

(? - 1721),
(1709-1721)

Кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган давлатнинг асосчиси. 1709-йилда минглар алохида беклик тuzган чодалик дин пешволари хокимиятини агдардилар ва Фаргона водийсида хокимиятни ўз кўларига олдилар. Минг кабиласи йўлбошчиларидан бири Шохрухбий хукмдор деб эълон килинди. Шу тарика, Ўрта Осиёда кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган янги давлат вужудга келди. Маълумки, фақат Афросиёб ёки чингиз авлодидан бўлганлар хон аталишга ҳақли эдилар. Шохрухбий эса Чингиз авлоди эмас эди. Шунинг учун саройга яқин тарихчилар “Олтин бешик” хақидаги афсонани тўкиганлар. Унга кўра, гўё Кобул томон кетаётган Захириддин Мухаммад Бобур энди тугилган чакалогини олтин бешикка белаб, йўлда колдириб кетган экан. Фаргона водийсига ўзбек кабила бошликлари бешикни топиб олишиб, болани катта киладилар. Олтин бешикдаги бола вояга етиб ундан Султон элик номли ўғил тугилган. Ундан кейинги авлод Худоёр, Мухаммад Амин, Абулкосим, Шохмастбий (Ежмосбий), Шохрухбий, Хожибий, Ашурбий, сўнг Шохрухбий. Шохрухбий Олтин бешикнинг ўнинчи пушти хисобланган. У минг кабиласи бийларидан эди.

Шохрухбийнинг тахтга ўтиришини Мулла Олим “Тарихи Туркистон” асарида кизикарли тасвирлайди: Тарвогага Жанкат, Пилахан, Тўфонтепа, Партак, Тепа Кўргон, Кайнар ва бошка жойларнинг оксокол, аслзода одамлари тўпланиб Ашурбекнинг ўғли аклли, инсонпарвар Шохрухбий Ашурбек ўғлини хон килиб сайлашга қарор киладилар. Шундан сўнг Шохрухбий ўрда ва кўргон қуриш учун қулай жой танлашга фармон беради. Юборилган одамлар “Кўк тўнликлар” яшайдиган икки сой оралигида жойлашган ҳудудни қулай жой, деб хисоблайдилар. Улар бу ерда арқ қурадилар ва унинг атрофида сарой ва бинолар қура бошлайдилар. Шундан кейин Шохрухбийни тахтга ўтказадилар. Хоннинг сайланиш йилини 1709-йил деб хисоблайдилар.

Мулла Олим Шохрухбий 12 йил хукмронлик килиб, хукмронлигининг 13-йилида вафот этди, - деб ёзади. Бундан унинг 1721-йилда вафот этганлиги келиб чиқади.

Бу давлат ўз тасарруфига Кўкон, Исфара ва Маргилон атрофларини кўшиб олган эди. Шохрухбийдан учта ўғил қолади: Абдурахимбий, Абдукаримбий ва Шодибий. Отасининг ўрнини ўғилларнинг каттаси Абдурахимбий эгаллайди.